

## **Мавзу: Қишлоқ хўжалигининг фан техника тараққиёти, илғор технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш**

### **РЕЖА:**

1. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.

2. Бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантириш, уларнинг бозори, техника тараққиётини жорий этиш, улардан самарали фойдаланиш.

### **Таянч иборалар:**

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника потенциали, моддий-техника ресурси, муқобил МТП, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, Фан-техника тараққиёти, автоматлаштириш, механизациялаш, электрлаштириш, маблағлар.

### **1.Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби**

Қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминлашга доимо катта эътибор берилмоқда. Чунки бу сарфланадиган меҳнат ҳамда маблағ харажатлари камайиши, меҳнат унумдорлиги юксалиб, фойда суммаси кўпайиши учун имконият яратади. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника воситалари билан таъминланиш ва бу воситалардан фойдаланиш жараёнини ва бу борадаги ўзгаришларни билиш талаб этилади. Бунинг учун бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. энг аввало, бу борадаги асосий кўрсаткич – жамоа, ширкат ҳамда қўшма ва давлат корхоналарининг, ҳиссадорлик жамиятларининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш керак. Маълумки, хўжалик ўз фаолиятида амалга оширадиган ишларни тез ва сифатли бажаришга интилади, бу жараёнда техника воситалари ўртасида муносибликни таъминлашга алоҳида эътибор беради. Сабаби – тракторлар кўп, уларга тиркаладиган механизмлар кам ёки акси бўлса, қутилган самарага эришиб бўлмайди. Чорва ҳайвонлари кўп бўлиб, эм-хашак кам бўлиши ҳам фойдасиздир. Демак, корхоналар самарали мувозанатдаги моддий-техника ресурслари билан талаб даражасида таъминланган бўлишлари керак. Унинг даражасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш лозим:

$$MTP_{Td} = \frac{(E_k + (AF_k - AC) + AF_k + BG_k)}{KX_e}$$

Бунда:  $MTP_{Td}$  – моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, сўм;

$E_k$  - қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати (сўмда);

$AF_k$  - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (сўмда);

$AC$  – асосий воситаларнинг ўртача йиллик эскириш суммаси (сўмда);

$AF_k$  – айланма воситаларнинг ўртача йиллик суммаси (сўмда);

$BG_k$ - боғлар, токзорларнинг ўртача йиллик суммаси (сўмда).

$KX_e$  - қишлоқ хўжалик ерларининг майдони.

Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир хўжалик ихтиёридаги фойдаланилаётган 1 га қишлоқ хўжалик ерига ёки экин майдонига қанча сўмлик моддий-техника ресурслари тўғри келаётганлиги аниқланади. Унинг миқдори талаб, яъни меъёр даражасида бўлиши керак. Бу умумий кўрсаткич мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошқа аниқ кўрсаткичлар ёрдамида янада аниқлаштирилади.

Жумладан, хўжаликнинг таъминланганлик даражасини, масалан, асосий ва айланма фондлар ёки ҳайдов, чопиқ тракторлари билан таъминланганлик даражасини шу кўрсаткич таркибидаги бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам алоҳида-алоҳида аниқлаш мумкин. Улар ушбу дарсликнинг 7-бобида батафсил ёритилган.

Масалан, корхоналарнинг энергетик ресурслар билан таъминланганлик даражаси. Унинг миқдори хўжаликдаги жами энергетик ресурслар миқдорини (от кучи ҳисобида) фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик ерлари ёки экин майдонига тақсимланиб аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Э_{PT} = \frac{Э_{PK}}{E_m (KX_e)}$$

Бунда:  $Э_{PK}$  - жами энергетик ресурслар қуввати (от кучида);

$E_m (KX_e)$  – жами экин майдони (қишлоқ хўжалик ерлари).

Унинг миқдори ҳам меъёр даражасида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнатнинг энергетик ресурслар билан қуролланганлик даражаси. У юқорида таъкидланган жами энергетик ресурслар миқдорини (от кучида) меҳнат қилган кишиларнинг ўртача йиллик миқдорига (кишилар) тақсимлаб аниқланади. Бунда ушбу тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$Э_{PK} = Э_{PK} : M_p$$

Бунда:  $Э_{PK}$ - меҳнатни энергетик ресурслари билан қуролланганлик даражаси (от кучи/киши).

$M_p$  – ишлаган меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар корхонада бажариладиган барча ишларнинг қай даражада механизациялашаётганлигини ёки автоматлашаётганлик ҳолатини ўрганишга ёрдам беради. Лекин уларнинг миқдори, юқорида қайд этганимиздек, белгиланган меъёр даражасида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шундай экан, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашганлик даражасини ҳам аниқлаш лозим. Бунинг учун трактор, механизмлар, машиналар ёрдамида бажарилган жами иш (еталон гектарда) миқдори корхона бўйича

бажарилган жами ишлар ҳажмига (еталон га) тақсимланади. У қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_d = (M_i : J_i) \times 100\%$$

Бунда:

$M_d$  - ишлаб чиқаришни механизациялашганлик даражаси, фоизда;

$M_i$  - машина, тракторлар механизмлар ёрдамида бажарилган иш (ет.га тоннада);

$J_i$  - жами бажарилган иш миқдори (ет.га).

Бу кўрсаткич жами ҳамда айрим иш, экин турлари бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Масалан, экинларни экиш, уларга ишлов бериш, ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича. Чорвачиликда эса сигирларни соғиш, чорва ҳайвонларини суғориш, уларга эм бериш ва бошқа иш турлари бўйича. Сигирларни соғиш жараёнининг механизациялаштирилганлик даражасини аниқлаш учун машина, агрегатлар ёрдамида соғилган сигирлар бош сонини жами соғилган сигирлар бош сонига тақсимлаб, 100 га кўпайтириш лозим. Бу кўрсаткичлар 100 фоиздан юқори бўлмаслиги шарт.

Янги техникалардан, технологиялардан фойдаланиш натижасида меҳнат, маблағ харажатлари тежалиши таъминланади. Унинг даражасини аниқлаш учун янги техника, технология жорий этилмасдан аввал қилинган харажатлардан улар жорий этилгандан сўнг қилинган харажатлар миқдори, суммаси айрилиб, аниқланган рақам дастлабки харажатларга тақсимланади ва 100 фоизга кўпайтирилади. Уларни қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$X_t = (X_1 - X_2) : X_1 \times 100\%$$

Бунда:

$X_t$  – тежалган харажат;

$X_1$  - янги техника, технология жорий этилмасдан олдинги харажатлар (сўм);

$X_2$  - янги техника, технология жорий этилгандан сўнги харажатлар (сўм).

Юқорида таъкидланган кўрсаткичлар билан биргаликда хўжаликлардаги мавжуд моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун аввало, машина-трактор ҳамда автомашиналар паркидан фойдаланиш коэффициенти аниқланади. Буни ҳисоблаш учун хўжаликда фойдаланилган машина-тракторлар миқдорини унда мавжуд бўлган машина-тракторлар миқдорига тақсимлаш лозим. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M_{TPFK} = F_c : M_c$$

Бунда:

$M_{TPFK}$  – машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффициенти.

$F_c$  - фойдаланилган машина-тракторларнинг сони (дона).

$M_c$  - мавжуд бўлган машина-тракторларнинг сони (дона).

Машина-тракторлар ҳамда комбайнларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганлик даражаси ҳам аниқланади. Уни жами ишлаган машина кунлари сонини ишлаган машиналар сонига тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\bar{M}_K = \frac{\sum M_K}{M_C}$$

$$T_K = \frac{\sum T_K}{T_C}$$

$$K_K = \frac{\sum K_K}{K_C}$$

Бунда:

$\overline{M}_k$  - битта машинанинг 1 ойда, мавсумда, йилда ишлаган (қатнашган) ўртача кунли;

$\sum M_k$  - жами ишлаган машина кунлари;

$\sum TK$  - жами ишлаган трактор кунлари;

$\sum K_k$  - комбайнларнинг ишлаган жами кунлари;

Mc-ишлаган машиналари сони;

Ц- ишлаган тракторлар;

Kс- ишлаган комбайнлар сони.

Бу кўрсаткич ёрдамида хўжаликда 1 трактор, комбайн ёки машина йил давомида неча машина-кун ишлаганлиги аниқланади. Бу кўрсаткичнинг миқдори юқорига интилиши қонуний ҳисобланади.

Янги техника-технологияларга қилинган инвестицияларнинг самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун уларни жорий этиш туфайли тежалган харажатлар натижасида қўшимча олинган соф даромад суммасини уларга қилинган инвестициялар суммасига тақсимлаш лозим.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаб, моддий-техника ресурслари ҳолати, даражаси, самарадорлиги аниқланиб, чуқур таҳлил қилинади. Натижада уларга таъсир этган омиллар аниқланиб, келажакда уларни яхшилаш чора-тадбирлари белгиланади.

## **2. Бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантириш, уларнинг бозори, техника тараққиётини жорий этиш, улардан самарали фойдаланиш**

Турли ҳилдаги маҳсулотларни талаб даражасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишларни агротехник муддатларда, сифатли қилиб бажариш учун керак бўлган турлардаги моддий-техника воситалари талаб даражасида бўлиши мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини талаб даражасида шакллантириш лозим. Бу масалага бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корxonанинг ўзи катта эътибор бериши керак. Чунки корxonалар мустақил фаолият юритадилар.

Демак, барча корxonалар ўзларига керак бўлган моддий-техника ресурсларини сотиб олишлари, таъмирлаб, бутлашлари, йиғишлари ҳамда қуришлари мумкин. Масалан, бино-иншоотларни ўзлари қуришлари ёки пудратчиларга беришлари, машина, трактор, комбайнларни ўзларида ёки ихтисослашган корxonаларда йиғиб, таъмирлаб олишлари мумкин. Янги қишлоқ хўжалик техникаларини кимёвий воситаларни, ёқилғиларни сотиб ёки ижарага олишлари, озуқаларни эса ўзлари ишлаб чиқаришлари мумкин ёки, бошқа корxonалардан ҳамда биржалар, аукционлар ёрдамида заводлардан сотиб олишлари мумкин/ қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантирилишини 6.4.1-қизмадан кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалик корxonалари моддий-техника ресурслари базасини мустаҳкамлашда самарали йўллардан, усуллардан фойдаланишлари, камроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олишга интилишлари керак. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда айрим салбий ҳолатлар содир бўлмоқда. Маълумки, марказдан

маъмурий усулда режали бошқарилган иқтисодиёт шароитида барча моддий-техника ресурслари совхозларга, колхозларга асосан марказлаштирилган ҳолда бюджетдан ажратилган маблағ ҳисобидан берилган.

Уларнинг қийматлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари: солиқлар, субсидия, дотация ва бошқа механизмлар ёрдамида ундириб олинган. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу масала асосан хўжаликларнинг ҳамда четдан жалб этилган маблағлари эвазига амалга оширилмоқда. Лекин хўжаликларнинг маблағлари эса этмайди. Сабаби – бир томондан, саноат маҳсулотларининг баҳоси қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларидан жуда катта фарқ қилмоқда, яъни улар ўртасидаги эквивалентликка риоя этилаётгани йўқ, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалик корхоналари сотаётган маҳсулотларининг ҳақини ўз вақтида ололмаётирлар, учинчидан эса тармоққа этарли миқдорда инвестиция сарфланаётгани йўқ. Бундай ҳолатга чек қўйиш учун республика ҳукумати томонидан сезиларли ёрдам берилмоқда. Бу ёрдам, инвестиция, кредит шаклларида амалга оширилиб, улар ҳисобидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника ресурслари шакллантирилмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда давлат статистика кўмитасининг маълумотлари бўйича, тармоқда тракторларнинг, комбайнларнинг, юк машиналарининг умумий сони сўнги йилларда камайиб бормоқда.

Бир қисми эса ким ошди савдоси орқали сотилди, айримлари эса ўша хўжаликларда узоқ йиллар давомида сермахсул меҳнат қилганликлари учун уларга имтиёзли равишда сотилди ва берилди. Шу йилларда маълум бир қисми жисмоний ҳамда маънавий эскирганлиги учун ишлаб чиқариш жараёнидан чиқарилди. Шу даврда фермерлар фақат фойда берадиган техникаларни сотиб олдилар. Бу обектив жараён.

Қишлоқ хўжалигининг техник ресурсларидан турли ҳилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, уларни ташишда энг кам фойдаланиладиган техникалардан меҳими тракторлар ҳисобланади. Уларнинг умумий сони 1996-2008-йилларда барча вилоятларда сезиларли даражада камайган. Лекин бу жараён барча вилоятларда бир ҳил даражада юз бермаган. Масалан, Андижон, Бухоро, Навоий вилоятларида 2мартга камайган ҳолда, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах вилоятларида 2.9-3.2мартга камайган

Техника воситалари ҳозирги даврда асосан қуйдаги тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида:

- фермер хўжаликлари;
- муқобил машина-трактор парклари;
- агрофирмалар;
- шахсий ва оила таморқа хўжаликлари;
- давлат ва ширкат хўжаликлари;
- бошқа ташкилотлар.

Мавжуд бўлган тракторларнинг умумий сони камайиши билан биргаликда уларнинг ишлашга тайёрлиги ҳам шу йиллар давомида пасайиб бромган. Агарда барча тракторларнинг ишга тайёрлик даражаси 1996-йилда 72% бўлган бўлса, 2000-йилда 1.5фоизга пасайиб 70.9фоизни, 2008-йилда эса 2.1фоизга пасайиб 70.5 фоизни ташкил этган. Демак мавжуд бўлган барча тракторларнинг салкам 30%ишга яроқсиз ҳолда. Бундай ҳол сўзсиз йетиштирилаётган маҳсулотлар таннарҳини ошишига, меҳнат унумдорлигини пасайишига таъсир этади. Тракторларнинг ишга тайёр эмаслигига қуйидагилар таъсир кўрсатмоқда:

1-дан уларга зарур бўлган эҳтиёт қисмларининг етарли эмаслиги;

2-дан техникаларни тамирловчи устаҳоналарнинг камлиги ҳамда уларни тўлиқ жиҳозланмаганлиги;

3-дан тракторларни тамирловчи малакали тажрибали мутаҳасисларнинг камлиги;

4-дан тамирлаш учун маблағни етарли эмаслиги ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида кимёвий воситаларни, жумладан, минерал ўғитларни сотиб олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки улар тупроқ унумдорлигини ошириб, экинлар ҳосилдорлиги юксалишини, ёввойи ўтлар ҳамда зараркунандаларни озайтириб, меҳнат ва маблағ сарфлари камайишини, маҳсулот сифати яхшиланишини таъминлайди.

Кимёвий воситаларни аҳамиятини эътиборга олиб Республика ҳукумати фермер хўжалиқларига кенг қулайликлар яратган. Кимё саноати ҳузурида қишлоқ хўжалиқ корхоналарига кимёвий воситаларни сотувчи шаҳобчалар ташкил этган. 2010-йилнинг бошига 935 шаҳобчалар минерал ўғитларни фермерларнинг далаларигача олиб бориб бермоқдалар. Бу муносабат фермер хўжалиқлари билан кимёвий воситаларни сотувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилмоқда. Бу жараёнда шартномаларни тузиш ҳамда ҳақ тўлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунинг билан биргаликда кимёвий воситаларнинг айниқса минерал ўғитларнинг нарҳларини юқори эканлигига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Минерал ўғитларнинг нарҳларини юқори бўлганлиги учун қишлоқ хўжалиқ субъектлари уларни тупроқ карталарининг маълумотларига асосланган ҳолда керак бўлган миқдордаги ўғитларни сотиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Минерал ўғитларни сотиб олинишини камайиши бу, аввало, бор талабдан келиб чиқади. Чунки, минерал ўғитларнинг эркин нарҳлари анча юқори бўлганлиги учун уларни ортиқча сотиб олишнинг зарурияти йўқ. Шунинг учун хўжалиқлар керак бўлган миқдордаги минерал ўғитларни сотиб олишмоқдалар. Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиқ корхоналари минерал ўғитлар билан биргаликда маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланишга катта эътибор бермоқдалар. Ҳозирги даврда бир гектар буғдой ва ғоза экилган майдонга ҳар икки йилда бир марта 20-30 тоннадан маҳаллий ўғит сотишга ҳаракат қилмоқдалар, лекин унга тўлиқ эришаётганлари йўқ. Чунки ҳар йили тайёрланган маҳаллий ўғитларнинг миқдори кам. Бу масалани ижобий ҳал этиш учун чорва ҳайвонларининг зотларини яхшилаган ҳолда уларнинг бош сонларини ҳам кўпайтиришга эришиш лозим. Шунинг билан биргаликда қишлоқ хўжалиқ субъектлари уларнинг ҳар бир килограммидан вақтида ҳамда сифатли фойдаланишга катта эътибор қаратмоқдалар. Натижада Республикада донли экинларнинг ҳар бир гектарига солинган минерал ўғитнинг ҳар бир килограмми эвазига 45 килограммдан ортиқроқ дон маҳсулотларини етиштиришга эришганлар. Лекин барча вилоятларда ҳам бундай юз бераётгани йўқ. Шунинг учун келажакда минерал ўғитлардан фойдаланишни самарадорлигини юксалтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Бу ўринда таъқдлаш керакки, қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг машина, трактор, механизмларга бўлган талаблари ҳам тўлиқ қондирилгани йўқ. Бу муаммони ҳал этиш учун машина, трактор ва механизмларни қишлоқ хўжалиқ корхоналарининг талабини қондирадиган даражада сотиб олиш зарур. Бунинг учун уларни қайси манбалар ҳисобидан, қаерлардан, қандай йўллар билан, қандай

тартибда олиш мумкинлигини ҳам билиш керак. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз маблағлари ҳамда четдан жалб этилган сармоялар ҳисобидан моддий-техника ресурсларининг айримларини куришлари, таъмирлашлари, баъзиларини сотиб олишлари, ижарага олишлари, айримларини эса парвариш қилиб, барпо этишлари мумкин. Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида корхона маблағларининг камлиги, уларнинг бир меъёрда шаклланмаётганлиги ҳамда саноатда яратилаётган моддий-техника ресурслари баҳоларининг юқори суръатлар билан ўсиши тармоқдаги моддий-техника ресурсларини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати харажатлари ошиб бормоқда. Бу масалаларни ижобий ҳал қилиш қишлоқ хўжалигида лизинг кредити ривожлантирилиши, бу эса қишлоқда лизинг билан шуғулланувчи фирма, компаниялар сони кўпайтирилишини, уларнинг фаолиятлари ривожлантирилишини талаб этади. Лизинг билан шуғулланувчи ташкилотлар ўз маблағларига қишлоқ хўжалиги корхоналари учун зарур бўлган техникаларни, бино-иншоотларни ҳамда бошқа асосий воситаларни ижарага берувчилардан олиб беришлари мумкин. Бундай хизматлари учун улар қишлоқ хўжалиги корхоналаридан лизинг фоизларини оладилар.

Лизинг ташкилотлари лизинг кредити фоизларини тўлаш муддатларини кечиктириши ҳамда чўзиши мумкин. Лизинг кредитларини, хизматларини амалга оширишда уч томон – асосий воситаларни ижарага берувчи корхоналар, лизинг ташкилотлари ҳамда ижарага олувчи қишлоқ хўжалик корхоналари қатнашадилар. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантиришда давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий механизмлар, масалан, давлат, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар, имтиёзли кредитлаш тизимини ва бошқаларнинг кўламини келажакда кенгайтириш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигининг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш билан биргаликда улардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга эришиш лозим. Демак, тармоқ корхоналарида улардан фойдаланилаётганлик даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун юқорида 3 параграфда таъкидланган кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Лекин ўтиш даврининг ҳозирги босқичида улардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Чунки машина, трактор, комбайнларнинг ишга яроқлилиқ ҳолати юқори даражада эмас. Жами тракторларнинг ишга яроқлилиқ даражаси 1996-2009 йиллар мобайнида 68-71 фоиздан, пахта териш машиналарининг тайёргарлик ҳолати эса 25-36 фоиздан, ғалла комбайнлариники 60-73 фоиздан ошгани йўқ. Бундай ҳолат машина, трактор ҳамда комбайнларнинг ишга яроқлилигини таъминлаш учун зарур бўлган бутловчи воситалар этишмаслиги, уларни сотиб олиш учун эса молиявий ресурслар камлиги туфайли содир бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган техникаларнинг юқоридаги ҳолати ишлаб чиқариш жараёнлари комплекс механизациялаштирилишига имкон бермаётир. Натижада пахта териш жараёни 10 фоиз атрофида, сигирларни соғиш 25 фоиз атрофида механизациялаштирилган. Оқибатда тармоқда ишлаб чиқарилаётган кўпчилик маҳсулотларнинг таннархи юқори, меҳнат унумдорлиги паст. Бундай ҳолга чек қўйиш мақсадида республика ҳукумати катта ишларни амалга оширмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда. Унда шу йилларда қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш кўзда тутилган. Уларни

ташқил этилиши ҳамда ривожлантирилиши дарсликнинг кейинги бобларида батафсил ёритилган.

Қишлоқ хўжалигини моддий-техника ресурсларинимустаҳкам барпо этиш, улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида тармоқни ривожланиши таъминланди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги кўрсаткичлари деганда-чи?

2. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси нималардан ташқил топади? Унинг ўзгариш сабабларини кўрсатинг.

3. Тармоқнинг моддий-техника ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қандай масалаларни ҳал этиш керак?